

IV –ҚИСМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Хакимов Рашид

**«АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ»
фанидан семинар ва амалий машғулотлар учун**

МАСАЛАЛАР ТҮПЛАМИ

ТОШКЕНТ – 2012

Хакимов Р.,

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанидан семинар ва амалий машғулотлар учун масалалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2012.- 48 б.

Мазкур тўплам “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш учун мўлжалланган.

Тўпламда корхоналарнинг номлари ва уларнинг фаолияти кўрсаткичлари, шунингдек масалаларда келтирилган бошқа рақамлар ва маълумотлар шартли, шу сабабли уларни ахборот сифатида қўллаш мумкин эмас.

Тўплам агросаноат мажмуаси иқтисодиёти тўғрисида билим бериш ва иқтисодий воқеликни баҳолаш имконини берибгина қолмай, балки фаннинг энг мураккаб ва муҳим бобларини чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Иқтисодий мутахассисликлар бўйича таълим берувчи Олий ўқув юртлари 5340100 – «Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)» таълим йўналиши талабалари учун.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Салимов Б.Т.

катта ўқитувчи Ўроқов Н.И.

ТДИУ “Иқтисодиёт” факультетининг Илмий кенгashi ва “Тармоклар иқтисодиёти” кафедраси йиғилишининг қарорлари билан нашрга тавсия этилди.

Мундарижа

1. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари
2. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби
3. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа
4. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси
5. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси
6. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмаси
7. Озиқ-овқат муаммоси ва уни яхшилаш йўналишлари
8. Қишлоқ хўжалиги - агросаноат мажмуасининг асосий бўғини
9. Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш
10. Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш
11. Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари
12. Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи
13. Агросаноат тармоқлари маҳсулотлари нархлари
14. Агросаноат мажмуасида фан техника тараққиёти ва интенсивлаштириш
15. Агросаноат мажмуаси маркетинги ва уни самарадорлиги
16. Агросаноат мажмуасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш
17. Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми
18. Европа ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати
19. Америка Кўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги
20. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалиги

**1-мавзу. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети,
вазифалари ва ўрганиш усуллари (2 соат)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенети И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тарқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасидан келиб чиқсан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси.
2. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари.
3. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предметини ўрганиш усуллари.
4. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг мутахассислар фаолиятидаги аҳамияти.
5. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг қисқача ривожланиш тарихи.

Амалий топшириқ.

Қуйидаги маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун талаб қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларни миқдорини аниқланг. Топшириқ натижалари асосида ҳуросалар чиқаринг.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги аҳоли жон бошига белгиланган йиллик меъёрлар қуйидагicha белгиланган: нон ва нон маҳсулотлари 98,61 кг, сабзавот 104,12 кг, карташка 53,37 кг, узум 25,34 кг, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 54,83 кг, сут ва сут маҳсулотлари 364,36 кг, тухум 180,38 дона.

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2000			2010		
		ҳак.	Меъёр бўйича талаб қилинади	фарқи	ҳак.	Меъёр бўйича талаб қилинади	фарқи
1.	Аҳоли сони, млн. киши	24,4	x	x	26,0	x	x
2.	Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг тн.						
	А).дон	2314,5			5500,0		
	б)сабзавот	2486,4			2938,1		
	маҳсулотлари						
	в)картошка, кг	746,4			772,9		
	г)узум, минг тн.	648,6			503,8		
	д)гўшт ва гўшт маҳсулотлари, минг тн.	398,4			403,6		
	е) сут ва сут маҳсулотлари, минг тн.	3647,2			3719,4		
	ё) тухум, млн дона	654,3			1367,1		

2-мавзу. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби (2 соат)

1. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.
2. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти.
3. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси).
4. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ҳозирги ҳолати.
5. Республика ва ҳудудий агросаноат мажмуаларини ривожлантириш йўналишлари.

Амалий топшириқ.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг ўрнини аниқланг. Тегишли таҳлил ёзинг.

№	Кўрсаткичлар	2000	2010	Фарқи (к -)
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм: Ўзбекистонда Ўзбекистон АСМда	6884,4 5232,1	9469,3 5378,9	
2.	Мехнат билан банд аҳоли сони: Ўзбекистонда Ўзбекистон АСМда	9078,8 7381,6	9433,3 7279,7	
3.	Жами инвестициялар, млрд. сўм: Ўзбекистонда Ўзбекистон АСМда	886,7 186,5	1642,4 261,9	
4.	АСМнинг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини аниқланг: а) ялпи ички маҳсулотда, % б) меҳнат ресурсларида, % в) инвестицияларда, %			

Амалий топшириқ. Илова маълумотлари асосида агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқ ва корхоналарни, инфратузилма субъектларини тегишли соҳаларга тўғри бўлиб чиқинг.



Илова

Агросаноат мажуасига кирувчи асосий тармоқлар

1. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги.
2. Чорвачилик ва ем-хашак учун машиналар ишлаб чиқариш.
3. Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш.
4. Ширкатлар.
5. Фермер хўжаликлари.
6. Дехқон хўжаликлари.
7. Балиқчилик хўжаликлари.
8. Агрофирмалар.
9. Йирик саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари.
10. Агросаноат мажмуаси тармоқлари муаммолари устида иш олиб борадиган илмий текшириш текшириш институтлари, тажриба хўжаликлари.
11. Қишлоқ хўжалиги (озиқ-овқат) маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналар.
12. Элеватор ва склад хўжаликлари.
13. Тайёрлов тизимидағи корхоналар ва ташкилотлар.
14. Озиқ-овқат саноати корхоналари (ун-крупа, қанд-шакар, нон-макорон, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёғ-мой, консерва, вино, коняқ, шарбатлар ишлаб чиқариш, гўшт комбинатлари, сут заводлари, тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари ва х.з.).
15. Махсус автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш.
16. Ирригация воситалари ва мелиоратив техникалар ишлаб чиқариш.
17. Енгил саноат корхоналари.
18. “Ўзпахтасаноатсиш” корхоналари.
19. Савдо ва жамоат ошхоналари (супермаркетлар, дехқон бозорлари, ошхоналар, кафе ва ресторонлар, қўргазмалар, агробиржалар ва х.з.).
20. Агротехник, агрокимё ва зооветеринария хизматлари.
21. Қишлоқ хўжалиги ва ундан тайёрланган маҳсулотларни сакладиган музхона хўжаликлари.
22. Қишлоқ жойлардаги транспорт ва йўл хўжаликлари.
23. Қишлоқ жойлардаги уй-жой ва коммунал хўжаликлар.
24. Қишлоқ жойлардаги маданий-маиший хизматлар.
25. Кимё саноати (қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш).
26. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун қурулиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналари.
27. Омихта ем ва микробиология саноати.
28. Агросаноат тармоқлари учун алоқа ва хисоблаш хизмати.
29. Қишлоқ жойлардаги мактабгача тарбия масканлари.
30. Қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари.
31. Агросаноат мажмуаси тармоқлари тизими учун кадрлар тайёрлаш.
32. Агросаноат мажмуасига кирувчи корхоналарининг моддий-техника таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар.
33. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун маркетинг ва консалтинг хизмати кўрсатиш тизими корхоналари.
34. Махсус ихтисослашган банк ва уларнинг филиаллари.
35. Қишлоқ хўжалиги ва ундан тайёрланган маҳсулотларни хорижга сотиш субъектлари.

3-мавзу. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа (2 соат)

1.Агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби, аҳамияти ва вазифалари.

2.Соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва ҳозирги ҳолати.

3.Агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳани ривожлантириш йўналишлари.

1.

Амалий топширик.

Статистик маълумотлари асосида агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси (агросаноат мажмуаси таромқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳага) кирувчи тармоқларнинг ривожланиш динамикаси аниқланг. Аниқланган маълумотлар асосида хуносалар ёзинг.

Ушбу топширик қўйидаги жадваллар (1 ва 2-жадвал) ёрдамида бажарилиши тавсия қилинади.

1-Жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	1995	2000	2010	2010 йил 1995 йилга нисбатан %
1.	Тракторлар, дона				
2.	Тракторлар қуввати, минг от кучида				
3.	Дон комбайнлари, дона				
4.	Пахта териш машиналари, дона				
5.	Силос ва ем-хашак йигадиган комбайнлар, дона				
6.	Прес-подборщиклар, дона				
7.	Сут соғувчи ускуналар, дона				
8.	Минерал ўғит (100% таъсирчан модда) минг тн.				
9.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш перепаратлари (100% таъсирчан модда ҳисобида) минг тн.				
10.	Енгил саноат корхоналари учун станоклар ишлаб чиқариш, минг дона				
11.	Ишлаб чиқарилган плуглар, дона				
12.	Сеялкалар ишлаб чиқариш, дона				
13.	Культиваторлар ишлаб чиқариш				
14.	Маккажӯхори йигадиган комбайнлар ишлаб чиқариш, дона				
15.	Картошка йигадиган комбайнлар ишлаб чиқариш, дона				
16.	Лавлаги йигадиган комбайнлар, дона				

2-жадвал

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш (100% таъсирчан модда ҳисобида, минг тонна)

Йиллар	Минерал ўғитларнинг ҳаммаси, минг тонна	Шу жумладан		
		Азотли	Фосфорли	Калийли
1995				
2000				
2001				
2002				
2003				
2004				
2005				
2006				
2007				
2008				
2009				
2009 йил 1995 йилга нисбатан, %				
2009 йил 2000 йилга нисбатан, %				

Амалий топшириқ..

Пахтачиликнинг хайдов трактори ва минерал ўғитлар билан таъминланиш даражасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	2000	2010	Фарқи (к-)
1.	Жами пахта майдони, минг га	1492,8	1508,7	
2.	Мавжуд шартли хайдов тракторлар сони, дона	4232	4068	
3.	1 та хайдов тракторининг 1 сменада ер ҳайдаш меъёри, га	7	8	
4.	Агротехника муддати, кун	30,0	26,0	
5.	Бир га пахта майдонига талаб қилинадиган минерал ўғит микдори, кг: а) азотли б) фосфорли в) калийли	250 180 150	250 180 150	
6.	Талаб қилинади: а) хайдов трактори, дона б) азотли ўғит, минг тн. в) фосфорли ўғит, минг тн. г) калийли ўғит, минг тн.			

Изоҳ: минерал ўғитлар соғ таъсир қилувчи модда ҳисобида.

4-мавзу. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ жўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа (4соат)

1-амалий машгулоти

1. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби.
2. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ жўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг вазифалари аҳамияти ва унинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрни.
3. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ жўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг хозирги ҳолати.
Кўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц-сўров”, “Ақлий хужум”, “Кластер”.

2-амалий машгулоти

1. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва уларни иқтисодий жиҳатдан тахлил қилиш.
2. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг қишлоқ хўжалиги тармоғи билан иқтисодий алоқалари.
3. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасини ривожлантириш йўналишлари.

Амалий топшириқ.

Статистик маълумотлари асосида соҳага кирувчи тармоқларнинг ривожланиш динамикаси аниқлаш. Аниқланган маълумотлар асосида хуносалар ёзиш.

Туманда мева ва сабзавотларни қайта ишловчи заводнинг бир сменалик қуввати мева бўйича 8 тоннани, сабзавот бўйича 14 тоннани ташкил этади. 2003 йилда туман қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан жами 11 минг тонна мева ва 32 минг тонна сабзавот ишлаб чиқарилди. Туман бўйича меванинг товарлилик даражаси 76 фоизни сабзавот бўйича эса 84 фоизни ташкил этди. Заводнинг йил давомида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасини аниқланг.

5-Мавзу. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси (1 соат)

- 1.Инфратузилма тушунчаси, унинг моҳияти ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркиби.
- 2.Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилма сининг вазифалари, аҳамияти.
- 3.Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилма сининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрни хозирги ҳолати.
- 4.Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.

6-Мавзу. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси (1 соат)

- 1.Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмаси тушунчаси ва унинг моҳияти.
- 2.Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг таркиби.
- 3.Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг хозирги ҳолати.

4. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг смарадорлигини аниқлаш усуллари.
 5. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.

7-мавзу: Озиқ-овқат муаммоси ва уни яхшилаш йўллари (2 соат)

1. Озиқ-овқат муаммосининг моҳияти.
2. Ўзбекистон Республикасида аҳолини озиқ-овқат билан таъмин-лашнинг ҳозирги ахволи.
3. Озиқ-овқат таъминотини яхшилаш йўналишлари.
4. Ўзбекистон аҳолиси учун талаб қилинадиган озиқ-овқат миқдорини аниқлаш.

-жадвал

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Маҳсулот турлари	1995	2000	2005	2010	2010 йил 1995 йилга нисбатан, % да
Пахта, минг тонна					
Дон, минг тонна					
Буғдой, минг тонна					
Шоли, минг тонна					
Карташка, минг тонна					
Сабзавот, минг тонна					
Полиз (озиқ-овқат учун, минг тонна					
Узум, минг тонна					
Мева, минг тонна					
Гўшт, минг тонна (тирик вазнда)					
Сут, минг тонна					
Тухум, млн. дона					
Қоракўл тери, минг дона					
Жун, минг тонна					
Пилла, тонна					

8-мавзу: Қишлоқ хўжалиги-агросаноат мажмуасининг асосий бўғини (4соат)

1-амалий машгулоти

1. Қишлоқ хўжалиги-агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда улардан фойдаланиш.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

2-амалий машгулоти

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини хисоблаш.
2. Қишлоқ хўжалинининг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ошириш йўллари.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Қишлоқ хўжалигининг ўрнини кўрсатадиган, унинг таркибини белгилайдиган кўрсаткичларни аниқлаш. Унинг энг асосий натижавий кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усувлари. Топшириқни қўйида берилган 1,2,3, жадвалларда бажаринг.

-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлар майдони, минг га

Йиллар	Жами екин майдони	Шу жумладан			
		Дон екинлари	Техника екинлари	Карташка, сабзавот ва полиз	Ем-хашак екинлари
1	2	3	4	5	6
1995					
2000					
2001					
2002					
2003					
2004					
2005					
2006					
2007					
2008					
2009					
2009 йил 1995 йилга нисбатан, % да					
2009 йил 2000 йилга нисбатан, % да					

-жадвал

Чорва моллари бош сони, минг бош

Йиллар	Қорамоллар	Шу жум. сигирлар	Чүчқалар	Қўй ва эчкилар	Отлар
1995					
2000					
2001					
2002					
2003					
2004					
2005					
2006					
2007					
2008					
2009					
2009 йил 1995 йилга нисбатан, % да					
2009 йил 2000 йилга нисбатан, % да					

-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги (ц/га) ва чорва моллари маҳсулдорлиги
(кг)

Йиллар	Пахта	Бошиқли дон	Карташка	Сабзавот	Бир сигирдан бир йилда соғиб олинган сут, кг
1995					
2000					
2001					
2002					
2003					
2004					
2005					
2006					
2007					
2008					
2009					
2009 йил 1995 йилга нисбатан, % да					
2009 йил 2000 йилга нисбатан, % да					

Амалий топширик.

Күйидаги маълумотлар асосида ширкатларда доннинг товарлилик даражасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий дон экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	32,4	37,2	36,4	44,3
3.	Ялпи ҳосил, ц				
4.	Хўжаликнинг ички заруратлари учун олиб қолинган дон миқдори, ц	2660,0	3100,0	2480,0	2700,0
5.	Доннинг товарлилик даражаси, %				

Амалий топширик.

Ширкатларда пахта хом ашёсининг таннархини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий пахта экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	26,2	26,8	28,4	32,2
3.	Ялпи ҳосил, ц	30234,8	30230,4	27888,8	31362,8
4.	Бир гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар, минг сўм	147,50	214,67	161,59	265,97
5.	1 центнер пахтанинг таннархи, сўм				

Амалий машгулот.

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қайси фермада сутнинг товарлилик даражаси юқори эканлигини аниқланг.

	1-ферма	2-ферма	3-ферма	4-ферма
Жами соғиб олинган сут, тонна	1000	2000	3000	4000
Жами сотилган сут миқдори, тонна	850	500	2000	1500
Сутга айлантирилган сут махсулотлари сотиш ҳажми, тонна	150	-	100	1500

9-мавзу. Кишлок ҳўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш (4 соат)

1-амалий машгулоти

- Кишлок ҳўжалиги ер фонди ва унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусиятлари.
- Қишлоқ ҳўжалиги ер фондининг фондининг таркиби.
- Кишлоқ ҳўжалигида ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш усувлари.
- Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

2-амалий машгулоти

- Қишлоқ ҳўжалиги тармоғида ер фондидан фаойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини иқтисодий жихатдан таҳлил қилиш.

2. Ер кадастрини Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича иқтисодий таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш.

3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Хўжаликда ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқланг. Хўжаликнинг жами ер майдони 2864 га. Шундан, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар –2326, экин майдонлари –1882 гектарни ташкил этган. 2004 йили жами бўлиб 416 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун 431 млн. сўмлик харажат қилинган.

Ширкатларда пахтанинг рентабеллик даражасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий пахта экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	26,2	26,8	28,4	32,2
3.	Ялпи ҳосил, ц	30234,8	30230,4	27888,8	31362,8
4.	Бир гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар, минг сўм	147,50	214,67	161,59	265,97
5.	1 центнер пахтанинг таннархи, сўм				
5.	1 центнер пахтани сотиш баҳоси, сўм	5,68	8,02	5,74	8,42
7.	Рентабеллик даражаси, %				

Амалий топшириқ.

Хўжаликда пахта ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини аниқланг. Пахта экин майдони 710 га, ялпи ҳосил 18460 центнер. 1 центнер пахтани сотиш баҳоси 8600 сўм. Пахта ишлаб чиқариш учун жами 158756 минг сўм.

Қайси ширкатда пахтачиликда ердан фойдаланиш самарадорлиги юқори эканлигини аниқланг

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий пахта экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	26,2	26,8	28,4	32,2
3.	Ялпи ҳосил, ц	30234,8	30230,4	27888,8	31362,8
4.	Бир гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар, минг сўм	147,50	214,67	161,59	265,97
5.	1 центнер пахтанинг таннархи, сўм				
5.	1 центнер пахтани сотиш баҳоси, сўм	5,68	8,02	5,74	8,42
7.	Аниқланг:				
	1 га ердан олинган маҳсулот қийматини				
	1 га пахта майдонидан олинган фойда микдорини				

10-мавзу. Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш (4 соат)

1-амалий машгулот

1. Меҳнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти, таркиби.
2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усувлари.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

2-амалий машгулот

1. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш.
2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни йўналишлари
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топширик.

Қўйидаги маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги ширкатларида меҳнат унумдорлигини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Ялпи маҳсулот солиштирма баҳоларда, млн сўм	483,8	492,3	458,2	482,2
2.	Маҳсулотни сотишдан ва кўрсатилган хизматлар учун олинган фойда, минг сўм	804,6	242,5	1844,2	4078,4
3.	Ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	786	794	612	597
4.	Ишчи ходимлар томонидан йил давомида ишланган киши кунлар, киши-куни	209122	204864	169224	166846

Хўжаликда меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражасини аниқланг.

Хўжаликнинг жами экин майдони 1854 га. Хўжаликда ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сони 612 киши. Асосий фонdlарнинг ўртача йиллик қиймати 266 млн. сўм. Ялпи маҳсулот қиймати 416 млн. сўм.

Амалий топширик.

Қўйидаги маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги ширкатларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, га	2210	2184	1980	1980
2.	Умумий экин майдони, га	1454	1428	1382	1374
3.	Ялпи маҳсулот солиштирма баҳоларда, млн сўм	483,8	492,3	458,2	482,2
4.	Маҳсулотни сотишдан ва кўрсатилган хизматлар учун олинган фойда, минг сўм	804,6	242,5	1844,2	4078,4
5.	Ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	786	794	612	597
6.	Ишчи ходимлар томонидан йил	209122	204864	169224	166846

	давомида ишланган киши кунлар, киши/куни				
7.	Мехнат сарфи, минг киши соатларида	1466,2	1351,4	1184,6	1168,8
8.	Ишчи ходимларнинг йиллик мехнат сарфи фонди, минг киши / соати	1540,6	15556,2	1199,5	1170,1

11-мавзу. Аграсаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари (4 соат)

1-амалий машгулоти

- Аграсаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари моҳияти ва аҳамияти.
- Аграсаноат мажмуаси корхоналарида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.
- Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

2-амалий машгулот

- Фондлардан фойдаланишни самарадорлигин ошириш йўллари
- Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари
- Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Хўжалик экин майдонлари 1840 гектарни, асосий фондлари –214 млн. сўмни, ишчи ходимларининг ўртачи йиллик сони –586 кишини ташкил этади. Улар томонидан 482 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарган. Хўжаликни фонд билан таъминланганлик даражасини ва фонд қайтимини аниqlанг.

Амалий топшириқ.

Магнум тракторининг йиллик амортизация фондини аниqlang. Магнум тракторининг хизмат муддати 8 йил. Унинг баланс қиймати 54 млн. сўм. Йиллик амортизация ажратмаси меъёри 12,5 %.

Қўйидаги маълумотлар асосида хўжаликларнинг энергетик қувватлари ва уларнинг таркибини аниqlang.

т/р	Кўрсаткичлар	Хўжалик “А”		Хўжалик “Б”	
		Жами, от кучи	Жамига нисбатан, %да	Жами, от кучи	Жамига нисбатан, %да
1.	Трактор двигателлари	6855		6661	
2.	Дон ўрувчи камбайнлар двигателлари	150		225	
3.	Автоманиалар двигателлари	2628		2831	
4.	Электр курилмалар	10		1954	
5.	Бошқа механик двигателлар	60		1103	
6.	Ишчи хайвонлар (механик кучга айлантирилиб ҳисобланганда)	46		8	
	Жами энергетик қувватлар		100,0		100,0

Хўжаликларда тракторлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқланг ва тегишли хулоса ёзинг.

т/р	Кўрсаткичлар	Хўжалак “А”	Хўжалик “Б”
1.	Тракторларнинг ўртача йиллик сони (эталон траторга айлантирилиб ҳисобланган)	41	48
2.	Улар томонидан йил давомида ишланган: Машина-куnlари Машина-сменалари	9030 7908	7406 7923
3.	Жами бажарилган ишлар (шартли эталаонга айлантирилганда)	63181	59240
4.	1 трактор томонидан бажарилган этalon га: Йилда Бир кунда Бир сменада		
5.	Трактор йилда ишлаган кунлар		
6.	Сменалик коэффициенти		

**12-мавзу. Аграсаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари
ва маҳсулот таннархи (4 соат)**

1-амалий машгулоти

1. Аграсаноат мажмуаси корхонларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.
2. Таннарх тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топширик.

Хўжаликда буғдой ишлаб чиқариш таннархини аниқланг. Жами буғдой экин майдони 2003 йилда 615 гектарни ташкил этган. Жами олинган ҳосил 28290 центнерни ташкил этган. Бир га буғдой майдонига 285,2 минг сўм сарфланган. Ширкатларда пахта хом ашёсининг таннархини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий пахта экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	26,2	26,8	28,4	32,2
3.	Ялпи ҳосил, ц	30234,8	30230,4	27888,8	31362,8
4.	Бир гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар, минг сўм	147,50	214,67	161,59	265,97
5.	1 центнер пахтанинг таннархи, сўм				

13-мавзу. Агросаноат мажмуаси тармоқлари маҳсулотлари нархлари (2 соат)

1. Нарх тушунчаси, унинг моҳияти ва функциялари.
2. Агросаноат мажмуаси корхоналарида нархлар тизими.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Ширкатларда пахтанинг рентабеллик даражасини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Умумий пахта экин майдони, га	1154	1128	982	974
2.	Ҳосилдорлик, ц. га	26,2	26,8	28,4	32,2
3.	Ялпи ҳосил, ц	30234,8	30230,4	27888,8	31362,8
4.	Бир гектар пахта майдонига сарфланган харажатлар, минг сўм	147,50	214,67	161,59	265,97
5.	1 центнер пахтанинг таннархи, сўм				
5.	1 центнер пахтани сотиш баҳоси, сўм	5,68	8,02	5,74	8,42
7.	Рентабеллик даражаси,%				

Амалий топшириқ.

Талабнинг нарх бўйича 5 та даражадаги (ҳолатдаги) эластиклик шартларини ёзиб кўрсатинг. Масалан,

- Эдр<1 – талаб эластик эмас.
-
-
-
-

Амалий топшириқ.

Таклифнинг нарх бўйича эластиклик шартларини ёзинг. Масалан,

- Эсп = 0 – абсолют эластик бўлмаган таклиф;
-
-
-
-

Амалий топшириқ.

Ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатиладиган нархга таъсир этувчи омилларни аниқланг.

1. ишлаб чиқариш харажатлари;
2.
3.
4.
5.
6.
7.
8.

Амалий топшириқ.

Маҳсулот бирлигини (масалан 1 центнер буғдойни) ишлаб чиқариш ва сотиш харажати 14500 сүм. Фермер хўжалиги буғдой ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини 30 фоизга етказиши учун уни қандай нархда сотиши керак?

14-мавзу. Аграсаноат мажмуасида фан, техника тараққиёти ва интенсивлаштириш (4 соат)

1-амалий машгулоти

1. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив йўли тушунчаси, моҳияти.
2. Аграсаноат мажмуасида интенсивлаштиришнинг даражаси.
3. Аграсаноат мамуалари тармоқларига жалб қилинаётган инвестиция сиёсати ва уларни таҳлили.

2- амалий машгулоти

1. Аграсаноат мажмуаси корхоналарини интенсивлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш усуллари.
2. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Хўжалик экин майдонлари 1740 гектарни, асосий фондлари –214 млн. сўмни, ишчи ходимларининг ўртачи йиллик сони –686 кишини ташкил этади. Улар томонидан 422 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарган. Мехнат унумдорлиги ва хўжаликни фонд билан таъминланганлик даражасини аниқланг.

Амалий топшириқ.

Қуйидаги маълумотлар асосида ширкатларда интенсивлаштиришнинг даражаси ва самарадорлигини аниқланг.

№	Кўрсаткичлар	Ширкат «А»		Ширкат «Б»	
		2005	2010	2005	2010
1.	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	498,6	486,9	452,6	425,2
2.	Умумий экин майдони, га	1454	1428	1382	1374
3.	Ялпи маҳсулот солиштирма баҳоларда, млн сўм	483,8	492,3	458,2	482,2
4.	Маҳсулотни сотишдан ва кўрсатилган хизматлар учун олинган фойда, минг. Сўм	804,6	242,5	1844,2	4078,4
5.	Ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	786	794	612	597
6.	Мехнат сарфи, минг киши соатларида	1466,2	1351,4	1184,6	1168,8

Амалий топшириқ.

Хўжаликнинг асосий фондлари қиймати 218 млн. сўмни, ялпи маҳсулоти 462 млн. сўмни ташкил этган. Жами харажатлар 421 млн. сўмни, шундан амортизация миқдори 17,4 млн. сўмни ташкил этди. Жами экин майдони 1714 гектар. Хўжаликда интенсивлаштиришнинг даражаси ва самарадорлигини аниқланг.

Амалий топшириқ.

Пахта хомашёсини машинада териб олишнинг иқтисодий самрадорлини аниқланг.

КЕЙС – 2022 русумли пахта териш машинаси (маълум шароитлар мавжуд ҳолда) бир мавсумда 280 тонна пахта териш мумкин. Шу миқдордаги пахтани 30 кун мобайнида териб олиш учун 160 киши талаб қилинади. Хўжаликда 6250 тона пахта хомашёсини машиналар ёрдамида териб олиш белгиланган. Шу миқдордаги пахтани териб олиш учун 2000 та киши талаб қилинади. Хўжалик раҳбари пахтани қўлда ёки машинада териб олишни ташкил этиши лозим. У қарор қабул қилиши учун қўйидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоблар қилиши керак.

Машинада пахта терилганда:

1. Хўжаликда КЕЙС-2022 русумли 10 та пахта териш машинаси бор.
2. Бир пахта териш машинаси бир мавсумда 140 га майдоннинг (Q_Г) пахтасини тера олади.
3. 1 га ердан 20 центнердан пахта териб олади.
4. 1 тонна пахта териб олиш харажатлари (ёнилғисиз) – 25,96 сўм.
5. 1 кг пахтани териш учун ёнилғи сарфи (гектарига 25 литр) – 1,32 сўм.
6. Дефолиция харажатлари 1 кг учун (гектарига 3720 сўм) -1,86 сўм.
7. Ер майдонини теримга тайёрлаш харажатлари (бегона ўтлардан тозалаш, кичик ариқларни текислаш, дала чети ғўзапоясини тозалаш ва х.з.) 1кг пахта учун (гектарига 7440 сўм) – 3,72 сўм.

Кўлда пахта терилганда:

1. 1 кг пахтани қўлда терилганда ҳақ тўлаш - 35 сўм.
2. Мехнат ҳақи учун мажбурий ажратмалар - 12 сўм.
3. Дефолиция харажатлари 1 кг учун (гектарига 3722 сўм) – 0,90 сўм.
4. Ишчиларнинг тарнспорт харажатлари 1 кг пахта учун (автобус -27900 сўм) – 9,30 сўм.
5. Бошқа харажатлар 1 кг пахта учун (ётоқхона, овқат, зарурий инвентарлар ва х.з) – 2,40 сўм.

Аниқланг:

1. 10 та пахта териш машиналарининг бир мавсумда жами пахта териш майдонини.
2. Машина билан териладиган жами пахта миқдорини.
3. 1 кг пахтани машинада терилгандаги жами харажатларини.
4. Бир кг пахтани қўлда теришнинг жами харажатларини.
5. Пахтани машинада терилганда қўлда терилганга караганда тежаб қолинган иқтисодий самарани.

15-мавзу: Кишлөк хўжалиги маркетинги тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари (2 соат)

1. Маркетинг тушунчаси, моҳияти.
2. Маркетинги функциялари.
3. Аграсаноат мажмуаси корхоналарини маҳсулотлари маркетингини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари
4. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топшириқ.

Хўжаликнинг асосий фонdlарининг ўртача йиллик қиймати 432 млн. сўм. Шундан ўсиликчиликда 310 млн. сўми ва чорвачиликда 114 млн. сўми ишлаб чиқарилган. Ялпи маҳсулотнинг 206 млн. сўми пахтачилик ва 74 млн. сўми

дончилиқдан, 26 млн сўми эса сабзавотчиликдан олган. Хўжаликнинг ихтисослашишини аниқланг.

Амалий машғулот.

Маълум берилган маълумотлар асосида фермернинг фьючерс бозоридаги ютуқ ва ютқазишларини хисобланг. Фермер августда ўз донининг бир бушелини махаллий бозорда 5,55 дан сотди. Авгутга белгиланган фьючерс шу даврда 5,80 доллар деб қабул қилинган. Бу даврда базис қандай даражада бўлган? Агарда ферер март ойида август фьючерси учун бушелига 6,50 доллардан қисқа позицияда очган. У фьючерс бозорида ютадими ёки ютқазади? Авгут фьючерси августда 6,40 доллар бўлганда ютадими ёки 6,60 бўлганда?

Амалий машғулот.

Маълумотлар асосида фьючерс контракти баҳосини аниқланг. Элеватор 2004 йилнинг 1 октябрида фермердан бир бушел донни 3,50 доллардан қабул қилди. Доннинг май ойи учун фьючерс контрактини 3,55 доллардан сотди. Октябр ойининг охирида марказий бозорда элеватор донни бир бушелини 3,35 доллардан сотди. Элеватор қилинган хеджга зарур даромадни олиши учун шу даврда доннинг май ойи фьючерс шартномасининг нархи қанча бўлиши керак?

16-мавзу. Аграсаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш (4 соат)

1-амалий машғулоти

1. Аграсаноат мажмуаси корхоналарини давлат томонидан тартибга солишнинг можияти ва зарурати.
2. Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларни амалга ошириш шакллари ва усуллари.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

2-амалий машғулот

1. Ўзбекистон Республикасида аграр сиёсатни такомиллаштириш йўналишлари.
2. Аграсаноат мажмуаси корхоналарини бошқаришда қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш.
3. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий машғулот.

Қўйидаги маълумотлар асосида пахта учун субсидия беришнинг самарадорлик коэффициентини топинг. Мамлакат ичida қўшимча қиймат миқдори – 104575 сўм. Чегара олди баҳосига қўшимча қиймат миқдори – 101831 сўм. Пахта экилган майдонлар бирлиги учун солиқ миқдори – 10000 сўм. Алтернатив экин учун ажратилган ер бирлигига ўрнатилган солиқ миқдори – 13000 сўм. Пахта ҳосилдорлиги 28 ц/га.

Амалий машғулот.

Қўйидаги маълумотлар асосида маҳсулотни (қанд лавлагисини) номинал ҳимоя қилиш коэффициентини аниқланг. Шакар қамиш икки ҳудудда ишлаб чиқарилади. А ҳудудда 128 минг тонна, 1 тоннасининг нархи 792 сўм. В ҳудудда жами 261 минг тонна етиштирилади. Тоннасининг нархи 815 сўм. Шакарни СИФ шартида экспорт қилиш 1 тоннаси учун 548 АҚШ доллари туради. 16 сўм бир долларга тенг. Шакар заводидан шакарни чегарагача олиб келиш харажатлари бир

тонна учун 238 сўмни ташкил қиласи. Шакарни қайта ишлаш ва маркетинг харажатлари бир тона учун 530 сўм. 11 тона шакар қамишдан 1 тонна шакар олинади. Шакар қамишни хўжаликдан шакар заводига олиб келиш харажатлари бир тоннаси учун 27 сўмни ташкил этади.

17-мавзу. Аграсаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиши механизими (2 соат)

1. Аграсаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари.
2. Аграсаноат мажмуаси корхонарини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.
3. Аграсаноат мажмуаси корхонарини молиялаштиришнинг манбалари.
4. Аграсаноат мажмуаси корхонарини молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари.
5. Мавзуга оид масалалар ечиш амалий масала ечиш.

Амалий топширик.

Фермер учун лизингга трактор олиш ёки кредит ёрдамида уни сотиш олиш кўпроқ фойдали эканлигини аниқланг. Тракторни лизингга олинса унинг нархи 18500 минг сўм. Кредитга сотиб олинганда 14800 минг сўм. Лизинг муддати 5 йил. Йилига ижара тўлови 3700 минг сўм. Тракторни муддат охирида дастлаб кийматининг 10% да сотиб олиш мумкин. Трактор олиш учун берилган кредитни тўлиқ қайтариш муддати 5 йил. Ҳар йили қолдиқ қийматдан 20 фоиз кредит фоизини тўлаб бориши кўзда тутилган. Дисконт ставкаси 15 фоиз белгиланган.

Амалий топширик.

Фермер хўжалиги банқдан 1320 минг сўм кредитни олиши учун икки варианд үнга таклиф этилган. Биринчи вариантда олган кредитни ҳар ойда асосий қарз ва кретид фоизи учун 141,5 минг сўмдан тўлаб бир йилда кутулиши мумкин. Иккинчи вариантда асосий қарз ва кредит фоизини ойига 51,3 мингдан 3 йилда қайтариши мумкин. Фермер учун қайси вариант фойдали эканлигини аниқланг.

Корхонанинг йиллик баланси асосида қўйида талаб қилинган кўрсаткичларни аниқланг.

Корхонанинг йиллик баланси

Актив	Млн. сўм	Пассив	Млн. сўм
Асосий активлар	140,0	Корхона маблағлари	80,0
Хомашё заҳираси	16,0	Резервлар	40,0
Туталланмаган ишлаб чиқариш	8,0	Узоқ муддатли қарздорлик	80,0
Тайёр маҳсулот заҳираси	24,0	Қисқа муддатли банк қарздорлиги	40,0
Дебитор қарzlар	72,0	Кредиторлик қарzlари	48,0
Пул маблағлари	8,0		
Қисқа муддатли молиявий кўйилмалар	8,0		
Башқа жорий активлар	12,0		
Баланс	288,0	Баланс	288,0

Аниқланг:

1. Корхона айланма маблағларини;
2. Жорий молиявий талаб;

3. Пул маблағларнинг потенциал ортиқчалигини (етишмаслигини);
4. Пул мадлағларининг реал ортиқчалиги (етишмаслигини);
5. Пул маблағлари етишмаган ҳолда қисқа муддатли кредитнинг миқдорини.

Амалий топшириқ.

Фермер хўжалиги йиллик 25 фоизли 2,8 млн сўм қарз олди. Қарзни қайтариш муддати бир йил.

$$A_n = \frac{B + K + D}{X} \cdot x100$$

• Кредит олган вақтда корхона оладиган фойдаси миқдорини;

$$X = \frac{Bx}{\text{Эм., га}}$$

• Самарали кредит ставкаси (фоизи) ни.

Амалий топшириқ.

Фермер хўжалигига 5 йил муддатга 10,0 сўм кредит берилган. Кредит учун ЯАФ₁ ишлаб-кувватдан тенг миқдорда тўлов тўлаш талаб қилинади. Кредит фоизи $A\Phi_m^2 = \frac{ЯАФ_1 \cdot 100}{Колдик суммага} \cdot x100$ яйлига бир марта ҳисобланади ва асосий қарзни тўлашда қўшиб тўланади. Кредитни қайтариш режасини тузинг.

$$A\Phi_m^1 = \frac{A\Phi_{бк} - A\Phi_{тк}}{A\Phi_{бк}} \cdot x100$$

18-мавзу. Европа ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати (2 соат)

1. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурияти, аҳамияти.
2. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг қисқача ривожланиш тарихи.
3. Европа ҳамжамити ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини қўллаб-кувватлаш.
4. Европа ҳамжамити ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини қўпайтиришни қўллаб-кувватлаш.
5. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатини ривожлантириш йўналишлари.

$$Kx.er.sal. = \frac{Kx.m\mathcal{E}.er}{K.er.M} \cdot x100$$

Амалий топшириқ.

Европа ҳамжамиятида дон маҳсулотнинг нархини қўллаб қувватлаш тартибини (импорт тарифи ва экспорт субсиядияси миқдорини) аниқланг. Ҳисоб олиб борилаётган даврда доннинг дунё баҳоси 124 евро деб баҳоланган. Доннинг остона нархи 250 евро белгиланган. Доннинг интервенцион нархи 179 евро. Европа ҳамжамиятида доннинг реал баҳоси 240 европни ташкил этган. Мақсадли нарх 255 ва минимал импорт нархи 106 европни ташкил этган.

19-мавзу: Америка Кўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги (2 соат)

$$K\alpha = \frac{A\Phi_{я}}{A\Phi_{йок}}$$

1. АҚШ қишлоқ хўжалиги миқдорий кўрсаткичлари
2. АҚШ қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ташкилий шакллари.
3. АҚШ қишлоқ хўжалигини давлат томнидан қўллаб-кувватлаш тартиби.
4. Ривожлантириш муаммолари ва йўналишлари.

20-мавзу: Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалиги (2 соат)

1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалигининг аҳамияти, таркиби.
2. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шакллари
 3. МДХ қишлоқ хўжалигини давлат томнидан қўллаб-кувватлаш тартиби.
 3. Амалий масала ечиш.